

Фаҳшдан четланиш учун намозни тўла-тўқис адо қилиш лозим (йигирма биринчи мақола)



10:00 / 09.11.2020 4091

Фаҳшдан четланиш учун бажариладиган амаллардан яна бири - намозни тўла-тўқис адо қилишдир.

Намоз ўқиш кунига беш вақтда фарз қилинган бўлиб, у Ислом динининг асосларидандир. Намозсиз Ислом худди асосий устунларидан бир устунни йиқилган бинога ўхшайди. Бундай бинонинг эса қулаши аниқдир. Демак намозсиз банданинг дини ҳам қулаши аниқдир.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

Албатта, намоз мўминларга вақтида фарз қилингандир. (Нисо сураси, 103-оят).

Дўзах аҳллари жаҳаннамга тушишларининг асосий сабабларидан бири ҳам намоз ўқимаганликларидир. Бу ҳақда Аллоҳнинг Китобида қуйидаги оятлар бор: **«Сизларни дўзахга нима киритди? Улар: «Намоз ўқийдиганлардан бўлмаган эдик. Ва мискинларга таом бермаган эдик. Ва ботилга шунғувчилар билан бирга шўнғир эдик. Ва қиёмат**

кунини ёлғонга чиқарган эдик. Токи бизга ўлим келгунича», дерлар» (Муддассир сураси, 42-47 оятлар).

Ушбу оятда дўзах эгалари азобланишларининг сабабларини санаб туриб намоз ўқимаганликларини биринчи ўринда айтганлар.

Буюк Аллоҳ, тилларида иймон келтириб, қалбларида иймон келтирмаган мунофиқлар ҳам ҳатто намоз ўқишларини айтган: **«Албатта, мунофиқлар Аллоҳни алдамоқчи бўларлар. Ҳолбуки, Аллоҳ уларни «алдовчи»дир. Агар намозга турсалар, дангасалик билан, хўжакўрсинга турарлар ва Аллоҳни камдан кам зикр қиларлар»** (Нисо сураси, 142-оят).

Мунофиқлар албатта дўзах эгаларидир. Лекин улар **«намозга турсалар, дангасалик билан, хўжакўрсинга турарлар»**.

Улар, яъни мунофиқлар жаҳаннам аҳлидан бўлсалар унда намозга умуман турмайдиган кишининг Аллоҳ ҳузуридаги ҳоли қандай бўлади тасаввур қилиш қийин!

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намознинг тутган ўрни ҳақида қуйидагича марҳамат қилганлар: **«Қиёмат кунда банда биринчи бўлиб ҳисоб қилинадиган нарса - намоздир. Агар намози яхши бўлса, қолган амаллари ҳам яхши бўлиб кетади. Агар намози ёмон бўлса, қолган амаллари ҳам ёмон бўлиб кетади»**.

(Табароний ривояти).

Ҳадисдан маълумки, банданинг бахту-саодати ҳам, бадбахтлиги ҳам намозга боғлиқ экан. Банданинг намози бошқа амалларига ҳам таъсир ўтказар экан.

Намознинг фаҳшдан ва бошқа гуноҳлардан бандани сақлаши ҳақида Аллоҳ қуйидагича марҳамат қилган: **«Сенга китобдан ваҳий қилинган нарсани тиловат қил ва намозни тўқис адо эт, албатта, намоз фоҳиша ва мункар ишлардан қайтарур. Албатта, Аллоҳнинг зикри буюк ишдир. Аллоҳ нима қилсангиз, билур»** (Анкабут сураси, 45-оят).

«Намозни тўқис адо эт» деб таржима қилинган жумлани тўғридан-тўғри, сўзма-сўз ўзбекчага ўгирилса, **«намозни тик турғиз»** бўлиб чиқади. Демак, намозни ўқиш билан намозни тик турғизиш, яъни тўқис адо этиш орасида фарқ бор. Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга

«намоз ўқи» деб эмас, «намозни тўқис адо эт», деб хитоб қилмоқда.

Мана шу нуқтаи назардан кимнинг намози ҳақиқий, кимники сохта эканини билиб оламиз. Намозни ҳамма ҳам ўқиши мумкин, лекин намозхон фаҳш ва мункар ишлардан қайтмаса, унинг ўқиган намози ҳақиқий бўлмайди. Қачонки намозхон намозни тўқис адо қилса, фоҳиша ва мункар ишлардан албатта қайтади.

Шу боисдан ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Кимнинг намози уни фаҳш ишлар ва мункардан қайтармас экан, у намози ила Аллоҳдан фақатгина узоқлашиб боради»** деганлар.

(Тобароний ривояти).

Хулоса шуки, фаҳшдан қутилиш учун албатта намоз ўқиш керак. Ўқиб ҳам ўз вақтида тўла-тўқис адо қилиш керак.

(Давоми бор)

Афзал Аброр таржимаси